

# Асл ўлан боқийдир...

АБАЙ

КУЗ

**С**ур булутлар қонлаб олар кўкни бутун,  
Куюқ туман босиб келар бамисли тун.  
Тўқлигидан ё совуққа йўқлигидан —  
Уюр тўзар, ҳар томонга чопар қулун.

Майсаю гул-кўкатлар йўқ бурунгидай,  
Ёш-яланг ҳам сурон солмас, ҳар ишга шай.  
Кексайган чол-кампирдайин қовжираминш  
Барглариини тўкиб бўлган янтоқ, қуврай.

Вақти келиб қор кутарар бунда қуюн,  
Лекин ҳозир куз чалмоқда мунгли куйин.  
Болаларин бунисига жул йигиртиб,  
Ёш хотинлар ямаб-яққир ўтов-уйин.

Ғоз, турналар учар кўкда жануб сари,  
Кун бир тутам, завқу сурур кўздан нари.  
Овуллар ҳам файзи кетиб, мунғаймишдир,  
Эшитилмас элнинг ўйин-култулари.

Ел захридан изиллайди танлар жовраб<sup>1</sup>,  
Қора совуқ яланг қирда кезар дошлаб.  
Кўмик суяк, сарқит таом тегмагандан  
Уйда ит ҳам йўқдир, кетган сичқон овлаб.

Қоронги куз гирдобиди адир-тоғим,  
Дил тундлашар қиш забтини туйган чоғим.  
Ахир, олов ёнмас уйда — сурур қайдан,  
Кўрган куннинг қуриб кетсин, ай қозоғим!

\* \* \*

Ўлсам, умрим қордаги из бўлмасми?  
Уткир тилим тортинчоқ қиз бўлмасми?  
Муҳаббат ва ҳасратда ёниб ўтган  
Менинг оташ юрагим муз бўлмасми?

Олтин деб асраганим, жез бўлмасми?  
Шоҳи деб уйлаганим, буз бўлмасми?  
Хаприкқан бўлса бир пайт асов юрак,  
Кейинча эл оғзида сўз бўлмасми?

Нажотсизман мен намда бахти қаро,  
Ҳасратларим адоқсиз, топмам чора.  
Битта қалбга зарурми шунча ёнмоқ,  
Қара, ахир, бир жонман — дили пора.

<sup>1</sup> Совқотиб матносиди

Юрагингнинг тубини теран буйла,  
Мен ҳақимда сўйласанг ростин сўйла.  
Мен тақир ерда ўсдим ва бир ўзим  
Мингта билан олишдим, буни ўйла!

Ёшликда олғир эдим, ўйдан йироқ,  
Лекин не-не қалбларда ёқдим чироқ.  
Ҳар кимсани шод этмоқ орзум эди,  
Элдаги ношудлардан куйдим бироқ.

Замондан тегмади ҳеч эрк ўзимга,  
Шунданми дунё тордир гоҳ кўзимга.  
Хор бўлдим ўз юртимда топмай қадр,  
Сен, дўстим, мени ая, боқ сўзимга!

Сиртим нур, ичдан қанча қалтирамай,  
Дунё ўтар мендан ҳеч ҳол сўрамай.  
Улан — нақ аёл, сиринг ёяр элга,  
Бас, сўзим тўхтатай, кўп алжирамай.